


ТАСДИҚЛАЙМАН



Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори

 А.Э. Бурханов

2021 йил “__” февраль

ТАСДИҚЛАЙМАН



Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги
Кадастр агентлиги директори

 Ф.К. Умаров

2021 йил “1” февраль

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги билан
ҳамкорлигига оид 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар
РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Кадастр агентлиги тизими ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатини шакллантириш.	1. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг мутахассислари иштирокида коррупциянинг олдини олишга доир ўқув-машғулоти (семинар, тренинг) ташкил этиш. 2. Мавзули аудио, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда Кадастр агентлиги тизими ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш.	2021 йил ҳар чоракда	Кадастр агентлиги Комплаенс - назорат хизмати Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс- назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида очик эшиклар таъминоти асосида “давралар суҳбатлари”ни ташкил қилиш.	<p>1. Коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича соҳага оид жиноятлар билан боғлиқ маълумотларга асосланган “давралар суҳбатлари” дастурини ишлаб чиқиш ва тегишли органлар билан келишиш.</p> <p>2. ОАВни тақлиф этган ҳолда қайд этилган йўналиш бўйича “давралар суҳбатлари”ни ўтказиш.</p>	2021 йил ҳар чоракда	<p>Кадастр агентлиги Комплаенс - назорат хизмати</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс- назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси</p>
3.	Кадастр агентлиги тизимида коррупцияга оид хавфни камайтириш.	<p>1. Кадастр агентлиги тизимида коррупцияга оид жиноятларнинг статистикасини умумийлаштириш.</p> <p>2. Умумий маълумотларни таҳлили юзасидан тизимли муаммоларни аниқлаш.</p> <p>3. Тошкент вилояти мисолида содир этилган жиноятларни ўрганиш ва келиб чиқиш сабабларини аниқлаш.</p> <p>4. Тегишли тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалий механизмларни жорий этиш.</p>	2021 йил I-чорак	<p>Кадастр агентлиги Комплаенс - назорат хизмати</p> <p>Юридик бошқарма</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс- назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси</p>
4.	Кадастр агентлиги тизимида кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тартибини такомиллаштириш	<p>1. Кадастр агентлиги тизимида кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш механизми ва амалиётини ўрганиш.</p> <p>2. Чет эл давлатларининг кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш йўналишига оид илғор</p>	2021 йил давомида	Кадастр агентлиги Комплаенс - назорат хизмати

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		<p>тажрибасини ўрганиш ва асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижаларига мувофиқ тегишли шаффоф механизмларни ички локал хужжатларга киритиш орқали жорий этиш.</p>		<p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</p> <p>Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс- назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси</p>
5.	<p>Кадастр тизими фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш.</p>	<p>1. Кадастр агентлиги тизимидаги ходимларининг иш фаолияти юзасидан ижтимоий тармоқ орқали аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш.</p> <p>2. Умумийлаштирилган маълумотларга асосан тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Шаффофлик ва очикликни таъминловчи механизмларни тизимда жорий этиш.</p> <p>4. Соҳага оид янгиликлар билан доимий равишда таништириб бориш.</p> <p>5. Ижтимоий тармоқлар ва ОАВда кадастр соҳасига оид “танқидий маълумотлар”ни кузатиб бориш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва қисқа муддатда улар бўйича шаффоф ҳамда асосли фикр билдириш механизминини жорий этиш.</p>	<p>2021 йил хар чоракда</p>	<p>Кадастр агентлиги</p> <p>Комплаенс - назорат хизмати</p> <p>Ахборот хизмати</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</p> <p>Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс- назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси</p>
6.	<p>Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ҳамкорлик ўрнатиш.</p>	<p>1. Жисмоний ва юридик шахслардан соҳага оид мурожаатларини расмийлаштириш, ўрганиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Коррупцияга оид мурожаатларни хар томонлама ўрганиш мақсадида Агентликлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш амалиётини жорий этиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Кадастр агентлиги</p> <p>Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</p> <p>Мурожаатлар билан ишлаш бўлими</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
7.	Кадастр агентлиги тизимида коррупцияга оид жиноятлар бўйича ўзаро ҳамкорлик.	<p>1. Кадастр агентлиги тизимида коррупцияга оид жиноятлар содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш.</p> <p>2. Коррупцияга оид жиноятлар юзасидан тегишли ҳисобот ва маълумотлар Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этиш.</p>	Доимий	<p>Кадастр агентлиги Комплаенс - назорат хизмати</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс- назорат” tizimini жорий этиш бошқармаси</p>

**Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги томонидан**

Коррупциянинг олдини олиш ва
“комплаенс-назорат” тизимини
жорий этиш бошқармаси


бошлиғи



З. Қодиров

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлиги томонидан**

Комплаенс - назорат хизмати
бошлиғи



Б. Шамансуров